

ОИЛА ИНСТИТУТИ МУСТАҲКАМЛИГИ - ЖАМИЯТ ТИНЧЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ КАФОЛАТИ

Мустафаев Бахтиёр Улашович

Фуқаролик ишлари бўйича

Денов туманлараро суди судьяси

АННОТАЦИЯ

Оила институти ва унинг жамиятнинг ривожланиши борасидаги аҳамияти, бу борада давлатимиз томонидан амалга оширилган ишлар атрофлича ёритиб берилган. Бу соҳада қабул қилинган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар ва ташиқил этилган қатор оила институти идоралари ҳақида тўхтатилиб ўтилган. Шунингдек, оила аъзоларининг масъулияти ва жавобгарлиги ҳақида қатор тушунчалар берилган.

Калим сўзлар: оила, инсон, фарзанд, тарбия, меҳр-оқибат, никоҳ, оилавий қадрият, ғамхўрлик, урф-одатлар

ABSTRACT

The institution of the family and its importance for the development of the society, as well as the work done by our state in this regard, are covered in detail. Important legal documents adopted in this area and a number of established family institute offices are mentioned. Also, a number of concepts are given about the responsibility and accountability of family members

Keywords: family, person, child, education, kindness, marriage, family value, care, traditions

АННОТАЦИЯ

Подробно освещаются институт семьи и его значение для развития общества, а также работа, проводимая нашим государством в этом направлении. Упоминаются важные правовые документы, принятые в этой сфере, и ряд созданных институтов семьи. Также дается ряд понятий об ответственности и подотчетности членов семьи.

Ключевые слова: семья, человек, ребенок, образование, доброта, брак, семейная ценность, забота, традиции

КИРИШ (ВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Жамиятда муҳим институт ҳисобланган оилани ҳар томонлама муҳофаза қилиш, оила манфаатларини ҳуқуқий ҳимоялаш Ўзбекистонда давлат

сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. “Оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш”¹ га Миллий Дастурда ҳам алоҳида аҳамият берилган. Инсоннинг дунёқараши ва ахлоқий фазилатлари аввало оилада куртак ёзади ва шаклланади. Фарзанднинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши, унинг иқтидорининг шаклланиши, нималарга қизиқиши у қандай оилада тарбия топганлигига ҳар жиҳатдан боғлиқдир. Ота-боболаримиз оилавий тарбияни энг муҳим долзарб ва нозик масалалардан бири сифатида қараб келишган. Келин қилиш, қиз узатишда аввало бўлғуси келин ёки куёвнинг қандай оилада тарбия топгани суриштирилган. Шу боис, фарзандимизнинг бахту -саодати, ёруғ келажаги учун ҳаракатни у дунёга келган кундан бошлаймиз. Зотан, ақлли, одобли, билимдон, меҳнатсевар, иймон-этиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун оила, бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. Инсон ўзининг ҳаётини оиласиз тасаввур эта олмайди, чунки оила инсоннинг шахс сифатида қарор топишига муҳим тарбиявий таъсир кўрсатади. Инсон оилада аввало она тилида сўзлашишни ўрганади, миллати, халқи урф-одатларини, анъаналарини, умуминсоний қадриятларни ўзлаштиради, бошланғич дунёқараши шаклланади. Шу сабабли оила фуқаролик жамиятнинг муҳим ижтимоий ва маънавий-ахлоқий таянчи ҳисобланади. Агарда оилада ўзаро ҳурмат ва кучли тарбия бўлмаса, унинг барча аъзолари ўз бурчларини зарур даражада адо этмаса, бир-бирларига эзгулик билан меҳр- оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / LITERATURE REVIEW)

Жамиятдаги оила институти ўз қонуниятлари асосида қурилади. Бунда оила ўзининг кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларига эгадир. Ўз навбатида, оила институти давлат ва жамият томонидан маълум бир муҳофаза қилиниши заруриятини ҳам тақозо этади. Дунё миқёсида тан олинган инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда давлатимиз раҳбари ва Қонунчилик органлари томонидан қабул қилинаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада муҳим таянч вазифасини ўтамоқда. Шунингдек, ”Оила,

¹ 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий Дастур. 2022 йил 7 март ПФ-87-сон фармонида 1-илова

таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш”² долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)

Сўнгги беш йилда жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оилаларни янада мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, “Соғлом оила - соғлом жамият” концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, замонавий оилани ривожлантириш, оилавий қадриятлар ва анъаналарни тарғиб этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармонининг қабул қилиниши жамиятда ва оилаларда соғлом, барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини самарали жорий этишда муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Оилаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ваколатли давлат бошқаруви органи – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда мазкур вазирлик ҳузурида оилавий ҳаёт, унинг барқарорлиги, ривожланиш тенденцияси ва муаммоларини илмий-амалий тадқиқ этиш мақсадида “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Шунингдек, Республикамиз туман ва шаҳарларида “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари” ташкил этилди. Ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизларни, эҳтиёжманд оилаларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида энг қуйи бўғин – маҳалла ва хонадонгача кириб борадиган вертикал “Маҳаллабай” тизими ҳамда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” мақсадли тизимлари жорий этилди. Айниқса, оилавий тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар учун “Ҳимоя ордери” бериш тартибининг ўрнатилиши оиладаги аёллар ҳуқуқларининг ҳимояси борасидаги муҳим кафолатлардан бири саналади. Оила институтини мустаҳкамлаш борасида маҳалла фуқаролар йиғинларида оилалардаги низо, зиддият, тазйиқ, нотинчликлар ҳамда ажримларнинг олдини олиш мақсадида Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари ташкил

² 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. 28.01.2022. ПФ-60-сон.

этилди. Мамлакатимизда ҳар йили 15 май – “Халқаро оила куни” сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Асосий Қонунимизнинг XIV- боби алоҳида “Оила”га бағишланган ва 63, 64, 65 ва 66-моддаларни ўз ичига олади. Хусусан, 63-моддада қайд этилганидек, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 11-моддасида, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади. Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ушбу кодекснинг тегишли моддаларида назарда тутилган усулларда амалга оширилади деб кўрсатилган. Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва оилаларни сақлаб қолиш юзасидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддасида “Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли.”- деб кўрсатилган. Амалдаги қонунчилик талабларига кўра қонуний никоҳ давлат ҳимоясида эканлиги инобатга олинган ҳолда судлар томонидан тарафлар ўртасида қонуний никоҳни сақлаб қолиш мақсадида мазкур тоифдаги ишларни кўришда жиддий ёндошган ҳолда иш тутмоқдалар. Хусусан, судлар томонидан тарафларга ярашишлик учун қонунда қонунда кўрсатилган муҳлат берилиб, суднинг ажрими туман оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлимларига ҳамда тарафлар яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги яраштириш комиссияларига улар билан тегишли яраштириш чораларини кўришлик учун юборилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддасида “Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.”-деган талабига асосан, даъвогарнинг никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабини қаноатлантириш учун ишда етарли далиллар ва асослар мавжуд бўлган ҳоллардагина судлар тарафларни никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарори чиқармоқда. Аксинча оилани (эр-хотинни) вақтинчалик келишмовчиликлар никоҳдан ажратишга асос бўла олмаслиги эътиборга олинган ҳолда судлар томонидан даъвогарнинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвосини рад қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилиб, кўпгина оилалар сақлаб қолинаётганлигини кузатиш мумкин. Конституциямиз талабларига асосан кўпгина қонунларимиз ва кодексларимизда вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатловчи нормалар

назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасида вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик ва 123-моддасида эса, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Конституциямизнинг 66-моддасида “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”, дея қайд этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-116-моддаларида ота-она ҳамда болаларнинг тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритилган. Ушбу Кодекснинг 109-моддасига мувофиқ, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга мухтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалар қарамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Оилавий қадриятларга беписанд ва ёшлар тарбиясига маъсулиятсиз қараш каби иллатларга барҳам беришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш”³ зарур деб таъкидлайди. Ҳар бир ота-она оила бўлиб, фарзандларини давлатимиз ва жамиятимизнинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшадиган етук инсон қилиб тарбиялашлари уларнинг асосий бурчлари эканлиги унутмасликлари лозим. Чунки, янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс пойдевори яратилаётган даврда оила институтини жамият ривожланишининг таянчи сифатида билиб, бу институтга алоҳида эътибор берилмоқда.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 1998 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1994 йил
4. 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий Дастур. 2022 йил 7 март ПФ-87-сон фармонида 1-илова
5. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. 28.01. 2022. ПФ-60-сон

³ Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси.-Тошкент:”O`zbekiston” нашриёти,2021.282- саҳифа

-
6. Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси.-Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021.282- саҳифа
 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.02.2020 йилдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора тadbирлари тўғрисида"ги ПФ-5938-сонли Фармони
 8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 06-сонли қарори